

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб юритилувчи "ЛАКТАН OIL" МЧЖ номидан иш кўрувчи М.Бобомирзаев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "ХАРИДОР" деб юритилувчи Уйчи туман мактабгача таълим булими номидан раҳбари Э.Тўрабоева иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги озик-овкат махсулотларини (кейинги уринда махсулот деб аталади) шартноманинг 1-иловасига мувофиқ мактабгача таълим ташкилотлари кесимида етказиб бериш, "Харидор" эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетмакетлигига риоя қилган холда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	Етказиб бериш муддати
1	Сут (Пастеризацияланган) 2,5%	литр	650,00	4 500,00	2 925 000,00	Январь
2	Сметана 20%	кг	15,00	14 000,00	210 000,00	Январь
3	Творог	кг	40,00	18 000,00	720 000,00	Январь
4	Катик	литр	150,00	11 000,00	1 650 000,00	Январь
5	Йогурт	кг	100,00	12 000,00	1 200 000,00	Январь
Жами:					6 705 000, 00	

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 6 705 000, 00  
олти миллион етти юз беш минг сум
- 2.2. "Харидор" олинадиган махсулотлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- 2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддатда махсулотларни "Харидор"га етказиб беради.
- 2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.
- 2.5. Етказиб берилган махсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинадиган махсулотлари "Харидор"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомасига мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш; мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

- 3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган махсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

"Харидор"га махсулотларини мазкур шартномага мувофиқ "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Харидор" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.4. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Хом ашё маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган хом ашё маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хом ашё маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.2. Етказиб берилган хом ашё маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ФОРС-МАЖОР

7.1 Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимирлаш, сел келиш каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиغان ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қушимча келишувлар шартларини бажариш маъсулиятини уз зиммаларига олмайдилар

#### VIII. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ

- 8.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқланган, туман газначилик булинмаси томонидан руйхатдан утказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қилади.
- 8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

#### XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"	
"ЛАКТАН OIL" МЧЖ	
Манзили	Уйчи туман, Гулбоғ МФЙ, А.Темур куча
Қорғон	
Адрес	Халқ банки Уйчи филиали
Хисоб рақами	20208000105448765001
ОКОНХ:	
МФО:	00716
ИНН:	308948879
"ЛАКТАН OIL" МЧЖ раҳбари:	
М.Бобомирзаев	

"ХАРИДОР"	
Уйчи туман мактабгача таълим бўлими	
Манзили	Уйчи туман Уйчи ШФЙ Шифокор МФЙ
Хисоб рақами	400522860142297091100251001
ОКОНХ:	85100
МФО:	00014
ИНН:	305150980
Газначилик	Ўз.Рес. молия вазирлиги газначилиги
№р	23402000300100001010
Банк номи:	Миллий банк Ўзбекистон шаҳар бош бошқармаси ХККМ
МФО:	00014
ИНН:	305150980
Уйчи туман мактабгача таълим бўлими раҳбари	
Э.Турабоева	